

Халкаро Бинафша Хоч ташкилоти ўн икки ёшгача бўлган болалар учун кироликнинг ёзги саройи қошидаги богда “пасха тухумини овлаш” бўйича катта байрам шодиёнаси ташкил этди. Чипта нархи – йигирма минг лир.

Тухумлар пичанлар гарамига яшириб кўйилади.

Қоидага кўра, болакай топиб олган барча тухумлар унга қарашли бўлади. Бу тухумлар ҳар хил шакл ва турда – шоколадли, металл, картонли бўлиб, ҳар бирининг ичига ажойиб совга солинган.

Хизматкор Жилда Созо бу хусусда хўжайини Дзернатнинг уйида эшитиб қолди.

Синора Дзернатта, гарчи бу унга саксон мингга тушса-да, ўзининг тўртала боласини байрамга олиб боришга жазм қилиб турган экан.

Жуссаси жиккаккина, йигирма беш ёшлардаги аёл, тўгри, гўзал эмас, лекин хунук ҳам эмас, шўх ва гулгун юзли, табиатан хушфеъл, аммо бир қадар одамови бўлган Жилда Созо ҳам ўзининг тўрт яшар кизчасини хурсанд қилмоқчи бўлди. Қизалок ёқимтой, яхшику-я, биров, афсуски, ота меҳрисиз ўсапти-да.

Ўзоқ қутилган кун қелди: қичкинагина Антонелла яп-янги палточа, бежиримгина шляпада зодагонларнинг болаларидан ҳечам фарқ қилмасди.

Жилданинг ўзи аслзода хоним бўла олмасди, чунки киши кўргилик қийими йўқ эди. Шунга қарамасдан, бу мушкул вазиятдан чиқиш йўлини топди – бошига ярқирок бир никоб қийиб олди: қарабсизки, окбилак бўлмаса-да, ҳар қалай, зодагонлар хонадонининг Женева ёхуд Невшателда таҳсил кўриб диплом олиб қелган маҳсус тарбиячиси бўлди-қолди!

Жилда белгиланган вақтда кизчаси билан киролик богининг дарвозаси олдига қелиб тўхтади-да, гўё бекасини қидираётган тарбиячидек атрофга аланглаб қарай бошлади.

Шу аснода машиналар бирин-кетин қелиб тўхтаб, улардан “тухум ови”да қатнишишга шошаётган болакайлар тушаверишди. Синора Дзернатта ўз боласи билан қелиб қолган эди, Жилда кўриб қолмасин деб ўзини панага олди.

Нахотки барча уринишлари беҳуда бўлса? У тикилинч ва тўполонда чиптасиз ўтиб кетишни мўлжал қилган эди, биров ҳадеганда қулай вазият қела қолмасди.

“Ов” соат учда бошланади. Бештакам учда ҳукумат машинаси қелиб тўхтади: ундан Римдан қелган қандайдир вазирнинг хотини икки боласи билан тушиб қелди. Халкаро Бинафша Хоч ташкилотининг президенти, маслаҳатчилари-ю масъул ходималари муҳтарама меҳмонни қутиб олишга шошилдилар. Ана шунда, ниҳоят, Жилда мушқоқ билан қутган қулай вазият туғилиб қолди.

Шундай қилиб, тарбиячи никобини қийган хизматкор богнинг ичкарасига қириб олди-да, йўл-йўлакай кизчасига тегишли панд-насихатларни берди: ўзингни йўқотма, ўзингдан қаттарок ва абжирок болалар олдида бўш қелма...

Сайхонлиг-у ўтлокзорларга катта-қичик гарамлар уйиб ташланган эди. Битта гарамнинг баландлиги ҳатто қаида уч метрча қеларди – қим билсин, унинг тагида қандай тухум яшириб қўйилган, эҳтимол ҳеч нима йўқдир.

Сигнал овози эшитилиб, старт йўналиши олдидаги тасма қесилди. Болалар мисли қўрилмаган бир шиддат билан “ов”га отилдилар.

Қичкинтой Антонелла бу бой болакайларнинг олдида доқдираб қолди. У бир гарамдан иккинчисига қараб югурар, аммо қўлини гарам ичига тикишга журъат қилолмасди.

Бошқалар эса, бу вақтда қаттақон шаколадранг, қип-қизил, оппоқ, муҳими – сеҳрли совгаларни бағрига олган тухумларни қўксига босган қўйи оналари томон қелди.

Сигнал овози эшитилиб, старт йўналиши олдидаги тасма қесилди. Болалар мисли қўрилмаган бир шиддат билан “ов”га отилдилар.

Қичкинтой Антонелла бу бой болакайларнинг олдида доқдираб қолди. У бир гарамдан иккинчисига қараб югурар, аммо қўлини гарам ичига тикишга журъат қилолмасди.

Бошқалар эса, бу вақтда қаттақон шаколадранг, қип-қизил, оппоқ, муҳими – сеҳрли совгаларни бағрига олган тухумларни қўксига босган қўйи оналари томон қелди.

Сигнал овози эшитилиб, старт йўналиши олдидаги тасма қесилди. Болалар мисли қўрилмаган бир шиддат билан “ов”га отилдилар.

учардилар.

Мана, ниҳоят, Антонелла ҳам бир гарамга охиста кўл сукиб, кандайдир каттик ва силлик бир нимани туйди: афтидан, тухум анча бахайбат эди. Суюнганидан ўзини йўқотиб, “Топдим! Топдим!” дея кичкириб юборди-да, тухумни чиқариб олмокчи бўлди. Лекин шу пайт бир болакай ашаддий регбистдек чаккон ташланди-да, тухумни кўкси билан коплади. Сўнг Антонелла унинг каттакон пасха тухумини кўлида тутган кўйи югурганича ўзидан узоклашаётганини, югура туриб ортига бурилиб караганини, хатто тилини чиқариб уни масхара қилганини кўрди.

Канчалик олгир-а бу болакайлар. Соат учда ўйин бошланган эди, орадан ўн беш дақиқа ўтиб-ўтмай жамики тухумлар ўз эгаларини топди. Факатгина Жилданинг кизчаси курук кўл билан атрофга аланглаб қарар, онаси қийган сохта никобни қидирарди. Унинг кўзлари жикка ёшга тўлган, лекин ўзини йигидан тийишга жон-жаҳди билан уринарди: бу болакайларнинг олдида хўнграб йиглаш катта шармандалик бўлиб туюларди унга. Шу пайт етти ёшлардаги кандайдир тилларанг сочли кизалок ажойиб пасха тухумларини нақ бир кучок қилиб кўтариб ўтаверди. Мана буни ўлжа дейдилар!

Антонелла унга хавас билан тикилиб қолди.

– Нима бўлди, сен ҳеч нима топмадингми? – меҳрибонлик билан сўради ўша кизалок.

– Ҳа, ҳеч нима.

– Истасанг, мендан биттасини олишинг мумкин.

– Ростданми? – суюниб кетди Антонелла. – Қайси бирини олай?

– Кичикрогини ола қол.

– Шунисини олсам майлими?

– Майли, ола қол.

– Раҳмат! – Кизчанинг кўзлари қувончдан порлаб кетди.

– Сенинг исминг нима?

– Инятсия, – деди тилласоч кизалок.

Шу пайт новчагина аёл, афтидан, Инятсиянинг онаси келиб уларнинг суҳбатига қўшилди.

– Нега тухумингни бу кизчага бердинг?

– Мен берганим йўқ, унинг ўзи олди, – пўнгиллади Инятсия: болалар баъзан тушунарсиз маккорликка жазм қилишади.

– Ёлгон! – кичкирди Антонелла. – Унинг ўзи берди-ку!

Бу калин коғоздан бежирим қилиб ясалган чиройли тухум бўлиб, хойнахой қутига ўхшаб очилар эди-да, ичидан кандайдир ўйинчокми-кўгирчок чиқарди.

Можарони кўриб, Бинафша Ҳоч ташкилотининг оппоқ қийинган эллик ёшлардаги ходимаси уларнинг олдига келди.

– Нима бўлди, жажжи кизалокларим? – сўради у қулиб туриб. Бирок унинг қулгиси кандайдир муздан ҳам совуқроқ эди. – Сизлар нимадандир норозимисизлар?

– Йўқ-йўқ, ҳаммаси жойида, – жавоб қилди Инятсиянинг онаси. – Факат манови маймунча, билмадим, кимнинг кизи экан, менинг кизчамнинг кўлидан тухумини тортиб олибди. Арзимас нарса! Ҳар қалай, мен учун! Майли, ола қолсин шу! Юр, кетдик, Инятсия! – Шундай деб она кизини етаклаб кетди.

Лекин масъул ходима можаро тўла ечимини топди деб ҳисобламади.

– Сен у кизнинг тухумини тортиб олганмидинг? – сўради у Антонелладан.

– Йўқ, унинг ўзи менга берувди.

– Нахотки? Сенинг отинг нима ўзи?

– Антонелла.

– Антонелла, фамилиянг-чи?

– Антонелла Созо.

– Онанг каерда?

Шу пайт Антонелла онасини кўриб колди. У бор-йўги бир неча кадам нарида нима бўлаётганини жимгина кузатиб турарди.

– Ана, менинг онам, – деб кўрсатди кизча.

– Шу аёлми? – сўради масъул ходима.

– Ха.

– У мураббия эмасми?

Жилда уларга якинлашди.

– Бу менинг кизим.

Ходима унга хайрон бўлиб бошидан оёгигача разм солиб каради.

– Мени кечирасиз, синора, сизнинг чиптангиз борми ўзи? Кани, мархамат килиб кўрсатинг-чи!

– Менинг чиптам йўк, – Антонелланинг ёнида туриб жавоб килди Жилда.

– Чиптангизни йўкотиб кўйдингизми?

– Йўк, менда чипта аслида йўк эди.

– Демак, сиз чиптасиз ўтган экансиз-да, а? Бу бутунлай бошка гап! Бундай такдирда, кизча, тухумни кайтаришга тўгри келади. – Шундай дея тухумни Антонелланинг кўлидан юлиб олди. – Сизларга уят эмасми? – танбех берди яна. – Кани, мархамат килиб тезда богни бўшатиб кўйинг-чи!

Кизча тошдек котиб колди. Унинг кўзларига шунаканги гам-гусса чўкдики, бош устидаги осмон хам кутилмаганда қорайиб кетгандек бўлди.

Масъул ходима тухумни кўлида кўтарган кўйи магрур одимлаб узоклашар экан, Жилданинг газаби каттик жунбушга келди. У калбида йигилиб колган тахкир, хўрлик, пучга чиккан умид билан саробга айланган истакни ортик жиловлашга мутлако кодир эмас эди энди. Натижада у алифбонинг “г”, “б”, “с”, “ш” ва бошка харфлари билан бошланувчи жамики кўпол сўзларни аёлнинг ортидан пешма-пеш юборди.

Атрофга олий табакага мансуб зодагон аёллар билан уларнинг ажойиб пасха тухумларини кўтариб олган болалари дарров йигилдилар. Айримлар Жилданинг бакиришларини эшитиб, кўркканларидан кочиб колдилар. Бошқалари газаб билан сўз котдилар:

– Кандай шармандалик! Жанжалга бало борми!

Болаларнинг олдида-я! У аёлни шу захоти хибсга олиш керак!

– Кет! Йўкол! Агар политсиянинг кўлига тушишни истамасанг, тезрок йўкол бу ердан, ярамас! – тахдид килди масъул ходима.

Антонелла шунаканги гам-алам билан йигладики, бу йиги тошни хам эритиб юборгудек эди. Жилданинг бўлса, хуши ўзида эмас эди: газаб, уят, нафрат, кахрдан кучига куч кўшилган эди гўё.

– Ўзингиз уялмайсизми? Шу бечора кичкинтойнинг тухумини тортиб олишдан сиз уялишингиз керак эди, сиз! Ха, мен эмас, сиз уялинг, пасткаш!

Икки политсиячи югуриб келиб, Жилданинг кўлидан тутишди.

Жилда баттар жазавага тушиб кичкирди:

– Кўйворинг, менга кўл теккизманг! Аблахлар!

Улар аёлнинг кўлларини кайириб дарвоза томонга судрадилар.

– Биз билан бўлимга борасан! Камокка тикиш керак буни! Хокимият вакилларини хакорат

килишнинг окибати кандай бўлишини билиб кўйсин!

Бакуват эркалар шу жиккаккина, нимжонгина аёлни базур тутиб туришар эди.

– Йўк! Йўк дедимми, йўк! – кичкирди у. – Кани менинг кизим?! Кўйворинглар мени, аблахлар!

– Ойи! Ойижон!

Антонелла унинг этагига ёпишди. Кизалок титраб-какшаб хикиллаб йиглар экан, тўполонда уни у ёқдан бу ёққа силташарди.

Жилдани энди ўнтача одам – эркак ва аёллар босишга уринишарди.

– Бу аёл аклдан озибди! Тийдириш кўйлаги керак!

Камокка тикиш керак буни!

Бир зумда политсиянинг усти ёпик машинаси етиб келди-да, унинг орка эшиги очилди.

Машинага тикиш учун Жилдани кўтардилар. Бинафша Хочнинг масъул ходимаси

Антонелланинг кўлчаларидан махкам ушлаб турди.

– Сен мен билан кетасан! Мен уни – сенинг онангни хали шунаканги тавбасига таянтирайки!..

Хеч ким нохакликни кўриб-билиб, жонидан-конидадан ўтказиб турган одам гайритабиий куч-кудратга эга бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

– Охирги марта огохлантираман: яхшиликча кўйворинг! – кичкирди Жилда, уни машинага зўрлаб тикмокчи бўлаётганларида. – Кўйворинг дедим, йўкса ўлдираман!

– Бўлди, бас! Олиб кетинг уни тезроқ! Хе, ўл бу кунингдан!.. – кизчани ўзининг олдида базур ушлаб турар экан, кичкирди ходима.

– Хали шунаками! У холда биринчи бўлиб сен ўл, минг лаънат сенга! – жон-жахди билан юлкинар экан, кичкирди Жилда.

– Э Худо! – окбилак ойимча ох деб йикилди-да, шу захотиёк жон таслим килди.

– Менинг кўлимни ушлаб турганинг учун энди навбат сенга! Кейин навбат сенга! – хитоб килди хизматкор.

Аёлни ўраб турган одамлар тўдаси ўз-ўзидан ёйилди. Политсиячилардан бири машинадан ташкарига ағдарилиб тушди-ю жон асари йўк холда ётиб колди.

Жилда яна бир сўз айтар-айтмас иккинчиси ҳам унинг ортидан йикилди.

Атрофдаги хамма томошатаблар дахшатдан донг котиб колдилар. Энди Жилда унга якинлашишга журъат килолмаётган оломон орасида якка ўзи турарди.

Она Антонелланинг кўлидан тутиб шахд билан олга интилди.

– Кани, йўлни бўшат хамманг!

Хеч ким унга якин келишга журъат килолмагач, ўз-ўзидан йўл бўшаб колди. Бирок политсиячилар йигирма метрча оркадан унга эргашдилар. Сиренанинг чийиллашидан кўрккан томошабинлар турли томонга коча бошладилар: кўшимча куч – тез ёрдам, ўт ўчириш, политсия машиналари олдинма-кетин етиб келган эди. Кўлга олиш харакатига рахбарликни политсия бошлигининг ўринбосари ўз зиммасига олди. У буйрук берди:

– Брандспойтларни тайёрланг! Кўзни ёшлатувчи газ!

Жилда кўркув нималигини унутган эди, ортига шахд билан бурилиб каради:

– Кани, мард бўлсанг олдимга кел!

Инсоний шаъни топтаб-тахкирланган она кўксида бўйсинмас бир илохий куч кайнаб-тошмоқда эди.

Курулланган политсиячилар халкаси уни тобора куршовга олиб келаверди. Тахдидли хитоб янгради:

- Кўлингни кўтар, эй бадбахт! Огохлантирувчи ўк товушлари ҳам эшитилди.

- Сенлар хали ёлгиз ўзимни эмас, кизим ни хам ўлдирмокчимисанлар! - кичкирди Жилда.
- Йўлимдан коч хамманг!

Шундай дея у ўз йўлида дадил давом этди. Аёл хеч кимга бармогини хам теккизмаса-да, “олдинги сафда келаётган” олти нафар политсиячи бараварига ер тишлади.

Шундай килиб, у уйига етиб олди. Бу сахар чеккасидаги атрофи ёввойи ўт-ўланлар билан копланган улкан ва кўримсиз бир иншоот эди. Политсиячилар уйни курсовга олишди.

Политсия бошлиги кўлида овоз кучайтиргич билан олдинрокка чиқди: барча уй эгаларига беш дакика ичида бинони бўшатиб кўйиш таклиф килинди. Исёнкор аёлга эса, жиддий кўнгилсизликларнинг олдини олиш максатида кизчасини ўз ихтиёри билан топшириш тавсия этилди.

Жилда юкори каватдаги деразадан бошини чиқариб тушунарсиз тарзда нималардир деб кичкирди. Курсовга олувчилар халкаси бир зумда баайни кўзга кўринмас тўсикка дуч келгандек такка тўхтади-колди.

- Каёкка? Сафлар мустахамлансин! - буйрук янгради.

Лекин хаттоки офитсерлар хам кокила-сурина ортларига чекиндилар.

Бутун бинода Жилда билан кизчасидан бошка хеч ким колмади. Афтидан, аёл кизчасига егулик тайёрлаётган эди, сабаби мўридан ингичкагина тутун чиқиб тепага ўрлай бошлади.

Атрофга аста-секин коронгулик чўкмокда эди. Бино теграсига эса, Еттинчи моторлаштирилган полкнинг зирхли машиналари тизилиштириб кўйилди. Жилда яна ойнадан караб нимадир деб кичкирди. Огир зирхли машиналардан биттаси турган жойида сапчиб, нимагадир тўнкарилди-колди. Ундан кейин иккинчиси, учинчиси, тўртинчиси... Кандайдир сирли куч уларни баайни енгилгина ўйинчоклардек чор тарафга отиб бошлади. Улар бориб тушган жойларида ялпайиб, бир уюм темир-терсакка айланаверди.

Фавкулотда камал холати эълон килиниб, БМТнинг махсус кўшини чакирилди.

Атроф-жавонбдаги бутун бир туман ахолиси бошка жойга кўчирилди. Тонг сахарда бомбардимон бошланди.

Жилда билан Антонелла айвонга чиқиб, бу кизик томошани бамайлихотир кузата бошладилар. Нима учунлиги номаълум, биронта бомба ўйнинг устига келиб тушгани йўк. Уларнинг хаммаси нишонга уч юзми-тўрт юз метр колганида хавода портлаб кетмокда эди. Кейин Жилда ётокхонага кайтиб кирди, чунки кизчаси кучли портлаш товушидан кўркиб йиглай бошлаган эди.

Уларни тинкасини куритиш йўли билан кўлга олишга карор килишди. Сув таъминотини тўсиб кўйишди. Лекин, барибир, хар куни эрталаб ва кечкурун мўридан ўша-ўша тутун чиқаверди - демак, Жилда кизчасига егулик пиширмокда эди.

Генералиссимуслар хужумни соат X га белгилашди. Айни шу соатда, худди киёмат койим бўландек, бир неча чакиримлик жойда ер зир титради. Бронетанк кучлари биргаликда аник йўналтирилган хужум бошладилар.

Жилда тагин деразадан бошини чиқарди.

- Бўлди-да энди! - кичкирди у. - Мени тинчимга кўясизларми-йўкми?

Кандайдир бир кўзга кўринмас кудратли куч танк сафларини бузиб ташлади: ажал юкланган темир-пўлат мастодонтлар (кадимда яшаган бахайбат филсимон хайвонлар) нимагадир карс-курс килиб парчаланмокда ва ишдан чиқкан маъданлар кабристонига айланмокда эди.

БМТ Бош Котиби ок байрокни баланд кўтариб олдинга чикди. Жилда кўл ишораси билан унинг уйга ки-ришига ижозат берди.

БМТ Бош Котиби хизматкор билан тинчлик битими тузиш юзасидан музокара юритиш умидида келган эди: мамлакат ўлар ахволда турибди. Халк безовта-бехаловат. Куролли Кучлар буткул холдан тойган. Ахволни кандай ўнглаш керак энди?..

Жилда меҳмонни кахва билан сийлади. Шундан кейин шартини айтди:

- Мен кизалогим учун пасха тухумини хохлайман. Уйнинг йўлак бошига ўнта юк машинаси келиб

тўхтади. Улардан турли катталиқдаги мислсиз даражада гўзал тухумлар туширилди-да, таклиф килинди: мана, кизалок мархамат килиб танлаб олаверсин! Улардан биттаси хатто диаметри ўттиз беш сантиметрлик соф тилла тухум бўлиб, усти кимматбахо тошлар билан безатилган эди.

Антонелла ўша масъул ходима ўзининг кўлидан тортиб олган тухумга айнан ўхшайдиган, рангли коғоздан ясалган кичкинтойгина бир тухумни танлаб олди.

Рус тилидан Отаули таржимаси

“Ёшлик” журналининг 2010-йил 4-сонидан олинди.